



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаённинг таклифига биноан 13 январь куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.



Абу-Даби халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти Шайх Мансур Ол Наҳаён ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Абу-Даби халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти Шайх Мансур Ол Наҳаён ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

БААнинг етакчи ташкилотлари, компания ва банклари раҳбарлари билан учрашувлар ҳам режалаштирилган.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 33 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБІЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мудофаа қудратини ошириш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини юксалтириш, профессионал миллий армияни шакллантириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашдаги катта хизматлари, жамиятда тинчлик ва барқарорликни, халқимиз осойишталигини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ибратли фаолияти, шарафли ва муқаддас бурчини бажаришда мардлик ва жасорат кўрсатгани, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Мардлик” ордени билан

Дедахонов Мусохон Алёрович — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси
Исмоилов Бахтиёр Ахмаджонович — Фарғона вилояти прокурори

Расулов Фаррух Садуллоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири
Сайипов Бектош Рахимович — Қашқадарё вилояти прокурори
Тошқораев Олим Эшмўминович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бош сержанти
Умурзаков Шароф Кучиевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хизмат бошлигининг ўринбосари

Эгамбердиев Музаффар Эминович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси директори
Эгамёров Фарходбек Абдумаликович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари — бўлим бошлиғи

“Дўстлик” ордени билан

Пирматов Алишер Ашурматович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий девони бошқарма бошлиғи

“Жасорат” медали билан

Акрамов Аббосжон Ахтам ўғли — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Иргашов Бахтиёр Эркинович — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Исаков Алишер Раҳматуллаевич — Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси кутқарув отряди гуруҳ кутқарувчи-йўриқчиси

Мухитдинов Исломбек Зафарбек ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командири

Суярқулов Равшанбек Суярқул ўғли — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командирининг ўринбосари

Тошматов Зафарбек Анварович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья командирининг ўринбосари

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА БАА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 13 январь куни расмий ташриф билан Бирлашган Араб Амирликларига келди. Ташриф доирасида Абу-Даби ва Дубай шаҳарларида қатор учрашув ва тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган.

▶ Давоми 2-бетда



Давлат дастури лойиҳаси муҳокамада

КАТТА ЙЎЛНИНГ КАТТА ТАШВИШЛАРИ

ЁХУД ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИНИ “АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ДАСТУРИ ВА УНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ ЛОЙИҲАСИНИ ЎҚИБ

Бир товуққа ҳам сув керак, ҳам дон. Бир рўзгорни обод қилгунча не-не машаққатни бошдан кечиради одам деган яратик. Қанча-қанча тўфону тўзонлар билан юзлашди олис сафарга чиққан карвон. Катта йўлга отланган миллат-чи, мамлакат-чи, давлат-чи? Эл-юрт қайғусида яшаган буюк саркарда Амир Темур қандай азоблар эвазига яратган экан тенгсиз салтанатни? Миллатни баҳор насимларидан баҳраманд этиш беҳад қийин бўлган ҳамма даврларда

ҳам. Айниқса, бугун — олам мезон толаридек қалтираб турган нозик замонда. Президент Шавкат Мирзиёев иқтидорига келганидан буён қандай қийинчиликларга дуч келгани ва бу тўсиқларни нималар эвазига енгиб ўтаётганини ўзи билади, Худо билади, албатта. Бизнинг билганларимиз шуки, у киши мамлакат Президенти лавозимига сайланган пайтда Ўзбекистон заминидан ўнлаб учи-кети йўқ жумбоқлар калавадек чуваланиб ётарди.

▶ Давоми 3-бетда

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

МАРД ЎҒЛОНЛАРИ БИСЁР ЭЛ

Ҳарбий хизмат юртнинг ҳар бир ўғли учун шараф. Болалигида ёғоч “қурол” ясаб, ўзаро мусобақалашмаган, ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги фильмлардан руҳланиб, “Мен ҳам катта бўлсам, албатта, ватан ҳимоячиси бўламан”, демаган инсон топилмаса керак. Юртга муҳаббат, унинг сарҳадларини ҳимоя қилишдек муқаддас бурчга ташналик ҳисси қалбларни айнан бегуборлик чоғларимиздан забт этиб улгуради. Бу бежиз эмас, албатта.

Кейинги йилларда мамлакатимизда миллий армиямизни ислоҳ қилиш, унинг салоҳиятини ҳар жиҳатдан ривожлантириш йўлида улкан ишлар қилинди. Янги Ўзбекистонни қуришда юртимизда ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш, ёшлар қалбиде армиямиз билан фахрланиш туйғусини ва ватан ҳимоячиси бўлишдек олижаноб касба ҳурмат ҳиссини кучайтириш катта аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли ҳарбийлик либосини кийиб, юртга хизмат қилишга интилаётган ўғлонлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.



▶ Давоми 5-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 33 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Утегенов Дауран Аймуратович — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили
Шарипов Жавлонбек Ҳакимжон ўғли — Тошкент шаҳри Бектемир тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси патруль-пост хизмати инспектори

“Содиқ хизматлари учун” медали билан

Абдуллаев Нодиржон Абдоталиб ўғли — Тошкент вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи
Ахмедов Бахриддин Ҳошимович — Самарқанд Ҳарбий судининг раиси
Бакиров Шокир Кучкарлович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири Республика кутқарув маркази отряд катта ҳайдовчи-кутқарувчиси
Дадахонов Хамидулло Вахобович — Андижон вилояти Избоскан тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори
Джумабаев Бахром Курбаналиевич — Тошкент вилояти Нурафшон шаҳар ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори
Жумабаев Шерзод Авазович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий қисм секция командири
Камалов Абдурасул Анварович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири Республика кутқарув маркази отряд катта йўриқчи-кутқарувчиси
Минажов Реймбай Отеулиевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири яза жазони ижро этиш колонияси бошлигининг ўринбосари
Мирзаалимов Нишанмурод Мухтарович — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси
Парманов Абдумалик Паттоевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Позитов Одил Самадович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Қоровул қўшинлари Ҳарбий қисм қоровул бошлиғи
Режепов Беклолат Мамитович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси
Соатов Фазлиддин Суннатиллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси бўлим бошлиғи
Султонов Ойбек Султонбоевич — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси кадрлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари
Тилабов Баҳодир Самандарович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири бўлими бош сержант ёрдамчиси
Ўсаров Обиджон Комилжон ўғли (мархум) — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси
Худжакулов Дилмурот Панжиевич — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари — маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизмати бошлиғи
Хўжамқулов Абдихалиқ Мусаевич — Сурхондарё вилояти Божхона бошқармаси бўлим бошлиғи
Шафиев Ренат Рустамович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири марказ бошлиғи

“Соғлом турмуш” медали билан

Каримова Саида Мўхтар қизи — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий қисм бўлим катта офицери
Холбеков Хайтбек Ойбек ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқармаси бўлим инспектор-психологи

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2025 йил 13 январь

“Шухрат” медали билан

Артиков Шерзод Бахтиярович — Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани прокурорининг ўринбосари
Жумаев Шароф Норчаевич — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Қашқадарё вилояти бошқармаси суриштирувчиси
Зарипов Маратжон Ризаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Ҳарбий қисм гуруҳ командири
Қамбаров Ботиржон Шермақаматович — Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори
Махкамбаев Абдулла Абдисаматович — Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси техник таъмирлаш қисми бошлиғи
Пўлатова Азизахон Мурот қизи — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий қисм гуруҳ катта офицери
Саидов Сардор Сайдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Ҳарбий қисм секция командири
Санаев Бегзот Юсулович — Сирдарё вилояти Ширин шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи
Султанова Жамила Машариповна — Хоразм вилояти маъмурий судининг раиси
Тошпулатов Султон Эшнӣёзович — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бошқармаси қўриқлаш бўлими ҳайдовчиси
Усмонов Шухриддин Холиқович — Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Қарши шаҳар Фавқулодда вазиятлар бўлими катта уста-кутқарувчиси

Ш.МИРЗИЁЕВ

Нуқтаи назар

ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ ВА ЮРТ ТИНЧЛИГИНИ АСРАШ — МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

Ҳар бир йилга ўзига хос ном бериб, шунга мос равишда давлат дастури ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши халқимизни эзгу мақсадлар йўлида жипслаштириш, юртимизни тараққий эттиришда муҳим омил бўлаётди.

Шу кунларда кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилинган давлат дастури лойиҳасида ҳам юртимизда жадаллик билан амалга оширилаётган ислохотларни янги босқичга кўтариш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш билан боғлиқ муҳим чора-тадбирлар, кенг қамровли мақсад ва вазибалар кўзда тутилган.
Бу йилги давлат дастури лойиҳаси мамлакатимизнинг иқтисодий-иқтисодий ривожланишида янги босқични бошлаш ва аҳолининг барча қатламлари учун экологик хавфсиз ва барқарор келажак яратишга қаратилган билан алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис, бу ҳужжат лойиҳаси кенг жамоатчилик томонидан қизгин муҳокама этилиб, уни янада такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар билдирилмоқда.
Ҳужжат лойиҳасида жаҳонда содир бўлаётган мураккаб глобал жараёнларни инобатга олган ҳолда, Қуролли Кучларнинг қудрати, мамлакатнинг мудофаа қобилияти ва Ҳарбий салоҳиятини янада ошириш борасида ҳам муҳим вазифалар белгиланган. Бу бежиз эмас. Зеро, ҳар бир суверен давлат ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва тараққий этиши учун Қуролли Кучлар тизимини замонавийлаштириши ва армия сафларини салоҳиятли кадрлар билан тўлдирishi табиий зарурат.

этибор кучайди. “Халқ ва армия — бир тану бир жон” деган эзгу ғоя асосида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида миллий армиямизда чуқур сифат ўзгаришлари юз бермоқда, унинг сафларида хизмат қилиш том маънода шон-шараф ишига айланиб бормоқда.
Бугунги таҳликали даврда бу натижалар билан қаноатланиб, хотиржамликка берилиб бўлмайди. Чунки дунё нотинч, Ўзаро низолар, келишмовчиликлар инсониятнинг тинч ҳаётига раҳна солмоқда. Мана шундай мураккаб даврда давлатимизнинг мустақиллиги ва суверенитетини, халқимизнинг тинч ва эркин ҳаётини энг бебахо бойлик сифатида асраш ҳамда химоя қилиш муҳим вазифадир.
Шу нуқтаи назардан, 2025 йилга мўлжалланган давлат дастури лойиҳасида бу йўналишда қатор вазифалар белгилангани



айни мuddо бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Қуролли Кучларини замонавий геоахборот дастурий таъминот воситалари, топогеодезик таъминотнинг махсус техникалари билан таъминлашнинг давом эттириш, топогеодезик ишларни бажариш ҳамда бу борада кадрлар салоҳиятини ошириб бориш кўзда тутилмоқда.
— Ҳужжатга мувофиқ, Мудофаа вазирилик кўшиқларида маънавий-маърифий ишлар тизими ҳамда ахлоқий-руҳий тайёргарлик ва психологик ишлар янада такомиллаштирилади, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов. — Аҳоли ва ёшлар ўртасида ватанпарварлик тарбияси ва тарғиботи кучайтирилади. Ватан химоячиларини тайёрлаш ва тарбиялаш тизими ривожлантирилади. Вазирлик кадрлари билан ишлаш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ишлари давом эттирилади.
Мудофаа вазирилик тизимидаги алоҳида батальон ва ундан юқори

бўлимлар истиқболли командир ва бошлиқларнинг назарий билими, профессионал тайёргарлиги даражасини босқичма-босқич ошириб бориш ҳам кўзда тутилган. Илгор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда вазирлик тизимида истиқболли кадрлар захирасини яратиш тизимини такомиллаштириш масалалари этибор марказида бўлади.
Бундан ташқари, вазирлик мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимларининг инфратузилмаси, ўқув моддий-техник базасини замон талаблари асосида жиҳозлаш, зарур хизмат техникалари билан босқичма-босқич таъминлаш борасидаги ишлар ҳам давом эттирилади.
Давлат дастури лойиҳасида фавқулодда вазиятлар ва глобал иқлим ўзгариши билан боғлиқ аҳоли ҳаётига хавф солувчи офатларнинг олдини олиш масалаларига ҳам этибор қаратилган. Хусусан, аҳолининг барча қатламларини зилзиладан олдин, зилзила пайтида ва ундан сўнг ҳаракат қилиш қондаларига ўргатиш кўрсаткичини ошириш устувор вазифа этиб белгиланган. Шунингдек, ёнгинларни барвақт аниқлаш тизимини жорий этиш, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, уни қўриқлаш ва химоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш борасида ҳам қатор муҳим вазифалар ўрин олган.
Ушбу устувор мақсад ва чора-тадбирларнинг ижросини ўз вақтида, сифатли ва самарали таъминлашга, аввало, халқ вакиллари ҳамда давлат хизматчилари жиддий масъулият билан ёндашиши лозим.

Зеро, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган янги Ўзбекистон ғояси замирида ана шундай улғу мақсадларни амалга ошириш, юрт тинчлиги, халқ розилиги ва фаровонлигини таъминлаш мақсади мужассам.

Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари амирликлар пойтахтида БАА Президенти Шайх Муҳаммад бин Зайд Ол Наҳаён билан икки томонлама музокаралар ўтказди, мамлакатнинг етакчи давлат ташкилотлари, компания ва банклар раҳбарлари билан учрашди, шунингдек, “Абу-Даби барқарор ривожланиш Ҳафталиги” халқаро саммитида иштирок этди.

Дубай шаҳрида БАА Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амири Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум билан учрашув ўтказилиши режалаштирилган.
“Абу-Даби барқарор ривожланиш Ҳафталиги” халқаро саммити “Барқарор инновацияларни қўллаб-қувватлаш” мавзусига бағишланган. Тадбирларда Амирликнинг “Masdar” компанияси билан ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириб келаётган 10 дан ортиқ мамлакатнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, шунингдек, йирик халқаро компаниялар вакиллари иштирок этмоқда.

“Masdar” компанияси Ўзбекистонда 2019 йилдан буён 100 МВт қувватга эга “Nur Navoi Solar” лойиҳасини амалга ошириб келмоқда. Бу мамлакатимизда муваффақиятли молиялаштирилган биринчи мустақил кўёш энергияси лойиҳаси ҳисобланади. “Masdar” компаниясининг Ўзбекистондаги ўсиб бораётган лойиҳалар портфелига Марказий Осиёдаги энг йирик шамол электр станцияси бўлган 500 МВт қувватга эга Зарафшон шамол электр станцияси кирди. Компания, шунингдек, 2023 йилда Жиззах, Самарқанд ва Шерободдаги умумий қуввати тахминан 900 мегаватт бўлган учта кўёш энергияси лойиҳаларини молиялаштиришни якуналади ва бу Марказий Осиёдаги кўёш энергетикасини ривожлантириш дастурига айланди.

Ушбу ҳамкорлик икки давлатнинг ўзаро манфаатдорлик ва декорбонизация мақсадларига эришишга интилишдан далолат беради. Бу Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги 1992 йил 25 октябрда ўрнатилган муносабатларнинг асосий таркибий қисмларидан биридир.

Умуман олганда, бугунги кунда мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик барча соҳаларда сезиларли даражада кенгайди.

Олий даражадаги учрашувлар Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги сиёсий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. 2019 йил март ойда Президент Шавкат Мирзиёевнинг БААга расмий ташири довомида ўзаро ҳамкорликнинг турли йўналишларини қамраб олган қўйимати 10 миллиард доллардан ортиқ шартномалар имзоланган эди.

2023 йил 2 октябр кунини Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев “ЭКСПО Доха — 2023” бутунжаҳон кўргазмасининг очилиш маросимидagi иштироки доирасида БАА Президенти Шайх Муҳаммад бин Зайд Ол Наҳаён билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари 2023 йил 30 ноябрь — 2 декабрь кунлари амалий ташир билан Дубайда бўлиб, бу ерда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим ўзгариши бўйича конференциясида иштирок этди.

Уз навбатида, юқори даражадаги алмаширув фаоллашди. 2022 йил 10 июнь кунини БАА ҳукумат ишлари вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Герғавий Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинди. Ушбу ташир чоғида икки давлат ҳукуматлари ўртасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида Меморандум ҳам имзоланди.

2023 йил 4 апрель кунини БАА ҳукумат ишлари вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Герғавий Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилиниб, Ўзбекистон — БАА ўртасида кўп қиррали муносабатларни чуқурлаштиришга қўшган ҳиссаси ва янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар дастурини ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани учун “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

2023 йил апрель ойда Тошкентда Ўзбекистон ва БАА ўртасида сиёсий маслаҳатлашувларнинг 3-давраси муваффақиятли ўтказилди.

Бирлашган Араб Амирликларининг ҳукумат аъзолари бошчилигидаги делегациялар ҳар йили ўтказилаётган Тошкент халқаро инвестиция форумининг доимий иштирокчисига айланди.

Икки давлат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида самарали ва конструктив мулоқот ўрнатилди. 2023 йил июнь ойда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Бахтиёр Санов ташир билан Абу-Даби шаҳрида бўлди.

2024 йил 27 сентябрь кунини БАА Бош вазири ўринбосари, мудофаа вазири, Дубай

Амирлиги валиаҳд шаҳодаси Шайх Ҳамдан бин Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум Ўзбекистонга ташир буюрди. Ташир доирасида Амирликлар делегацияси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинди, шунингдек, ҳукуматлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш форумида иштирок этди. Ташир якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон билан БАА ўртасида изчил ривожланиб бораётган савдо-иқтисодий муносабатлар янги суръат касб этмоқда. Ўзбекистонда Амирликларнинг етакчи компаниялари иштирокида амалга оширилаётган ва истиқболли лойиҳалар портфели 20 миллиард долларга етди.

2024 йил декабрь ҳолатига кўра, мамлакатимизда БАА капитали иштирокидаги 337 та корхона фаолият кўрсатмоқда. 2024 йил 3 май кунини Тошкент шаҳрида Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссиянинг 5-йигилиши бўлиб ўтди.

Икки давлат ҳам ўзаро муносабатларни рақамли иқтисодиёт, инновациялар ва таълим каби янги соҳаларда янада мустаҳкамлаш ҳамда ҳамкорликни кенгайтириш тарафдори. Мамлакатларимиз барқарор ривожланиш ва фаровонликка йўналтирилган қўшма лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирган.

Давлатларимиз ўртасида ҳафтасига 55 та рейсини ўз ичига олган мунтазам авиакатловлар йўлга қўйилган. Ўз навбатида, ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига, ўзаро сайёҳлар оқимининг ошишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон БАА билан халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида фол ҳамкорлик қилади. Хусусан, Кўрғаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши билан муносабатлар янги суръатга кўчди. 2024 йил апрель ойда Тошкент шаҳрида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокамага қаратилган “Марказий Осиё — Кўрғаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” Стратегик мулоқоти ташқи ишлар вазириларининг иккинчи учрашуви бўлиб ўтди.

Шу билан бирга, БАА Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва Араб давлатлари лигаси каби ташкилотларнинг етакчи давлатларидан бири, мамлакатларимиз фаол ҳамкорлик қилаётган Шанхай ҳамкорлик ташкилотида мулоқот бўйича ҳамкор ҳисобланади.

Икки давлат маданий алоқалар ва гуманитар алмашинувларни ривожлантиришга катта аҳамият беради. Ўзбекистон ва БАА халқлари ўртасидаги ўзаро англашув ва дўстликни мустаҳкамлаш мақсадида маданий тадбирлар, кўргазма ва фестиваллар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали, Шаҳрисабзда бўлиб ўтадиган мақом санъати, Термиз шаҳридаги халқаро бахшичилик санъати фестиваларида Амирликларнинг фольклор жамоалари доимий иштирок этмоқда.

2019-2023 йилларда Ўзбекистон делегацияси Абу-Даби шаҳрида ўтказилган Бирлашган Араб Амирликлари асосчиси Шайх Зайиднинг маданий меросига бағишланган фестивалда миллий павильон билан иштирок этди.

2023 йил март ойда “Dubai Opera” мажмуасида “Баҳор” рақс ансамбли дастурини халқаро премьераси ўтказилди, ўзбек рақс санъати араб томошабинлари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Бугунги кунда давлатлар Ўзбекистон ва Абу-Даби музейларида қўшма кўргазмалар ташкил этиш, маданий мерос соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликда тадқиқотлар ўтказиш, маданий меросни асраб-авайлаш, музейларни бошқариш, реставрация ва бошқа соҳаларда тажриба алмашиш, шунингдек, таълим йўналишидаги лойиҳаларни амалга ошириш орқали маданий мулоқотни ривожлантирмоқда.

Шу тариқа Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги алоқалар ҳамкорликнинг тобора кўпроқ йўналишларини қамраб олиб, Марказий Осиё ва Кўрғаз араб давлатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи юксак даражада ривожланишда давом этмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 13 январь кунини бошланган БААга ташири, шубҳасиз, ўзаро муносабатлар ривожига муҳим босқич бўлиб, икки давлатнинг иқтисодиёт, энергетика, инвестиция ва маданий-гуманитар каби асосий ҳамкорлик йўналишларидаги алоқаларини янада кенгайтиришга бўлган интилишини тасдиқлайди. Мазкур ташир, шунингдек, минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, давлатларнинг барқарор юксалиши ва фаровонлигига қўмақлашишга ҳам хизмат қилади.

“Дунё” АА


Давлат дастури лойиҳаси муҳокамада

Келгуси 2 йилда хусусий тадбиркорлар билан бирга 2 мингдан ортик кичик ва микро ГЭС ташкил қилинади. Соҳага хусусий сектор кириб келиши рағбатлантирилиб, электр энергияси бозорини ташкил этиш бўйича катта қадамлар қўйилади. Хусусан, 2025 йил якунига қадар рақобатли савдолар орқали электр энергияси улгуржи бозори яратилади.

КАТТА ЙЎЛНИНГ

КАТТА ТАШВИШЛАРИ

ЎХУД ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИНИ “АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ДАСТУРИ ВА УНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИ ЛОЙИҲАСИНИ ЎҚИБ



Абдусайд КЎЧИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзоси

Бошланиши 1-бегда

Муаммоларнинг энг мураккабларидан бири халқнинг давлатга нисбатан йўқотилган ишончини тиклаш эди. Давлат билан халқ орасида жарлик пайдо бўлган, қарорлар бир томон манфаатидан келиб чиқиб қабул қилинар, халқимиз орзу қилган адолатли жамият армон бўлиб келаётганди. Давлатимиз раҳбари илк қадамларини вилоятларга чиқиб, оддий халқ вакиллари, турли касб эгалари билан бевосита мулоқот қилишдан бошлади. Жойлардаги ютуқ ва камчиликлар, муаммолар билан чуқур танишиди, одамларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглади. Шу асно ҳар бир фармон ва қарорни халқ билан бамаслаҳат қабул қилиш темир қондага айланди. Зеро, маслаҳатли ош тотли бўлади, етти ўлчаб бир кесган адашмайди, режали иш бузилмайди. Натияжада одамларнинг фикри ўзгарди, келажакка ишончи мустаҳкамланди, қабул қилинаётган ҳужжатларга муносабати фаоллашди. Халқ давлатга эмас, давлат халққа хизмат қила бошлади.

Айнан шу тизим асосида дунёга келди бугун ҳаммамизга ифтихор бағишланган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳам. Халқимиз стратегиянинг ижодкори, ҳаммуаллифига айланди.

Мазкур стратегиянинг бугун яна бир қарра халқ муҳокамасига тақдим қилинган 2025 йилга оид давлат дастури лойиҳаси аҳоли танишиб чиқиши учун ниҳоятда қулай ва ихчам шаклда тайёрланган. Унда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг 5 та устувори йўналиши бўйича 2025 йил учун амалий чора-тадбирлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати ва ҳар бир йўналишга доир мақсадли кўрсаткичлар назарда тутилмоқда. Лойиҳада Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунийлик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар фракцияларининг тақлиф ва ташаббуслари инобатга олинган.

Давлат дастурининг қатор муҳим жиҳатларини алоҳида қайд этиш ўринли. Лойиҳада акс этирилган асосий вазифа ва чораларда йил номидан келиб чиқиб, атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт масалаларига асосий эътибор қаратилмоқда. Дастур ижросини сифатли ва ўз вақтида ташкил этиш мақсадида унинг ҳар бир банди бўйича чорақарлар кесимидаги мақсадли кўрсаткичлар ва уларга масъул ижрочилар белгиланмоқда.

Ҳаётда ҳар бир миллатнинг, ҳар бир давлатнинг нимага қодирлиги, аввало, унинг нияти ва орзу-ҳавасга эришиш йўлидаги интилишларига боғлиқ. Мақсаднинг нечоғлиқ улғуворлиги эртанин, эртани кундаги мартабамизни белгилаб беради. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси кабинетда ўзини яратилгани йўқ. Президентимизнинг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”да амалга ошириш бўйича давлат дастури ва уни тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони лойиҳасининг кенг жамоатчилик муҳокамаси

учун эълон қилинган ҳам шунинг далолатидир. Халқ фикрини сўраш, ўрганиш ва инобатга олиш — фаровон яшаш умидидаги кишиларни рози қилиш йўлида ташланган оқилона қадам.

II

Мазкур фармон лойиҳасининг қамрови ниҳоятда кенг. Бир мақолада барчасига тўхталишни иложи йўқ, албатта. Шу боис, уларнинг айримларини тилга олиш билан чекланамиз. Демак, бир йилнинг ўзига 32 та шахарда аҳоли пиёда ва велосипедда сайр қиладиган “Соғли сайр кўчалари” барпо этилади, 64 та маҳаллада тажриба тариқасида ёмғир ва оқова сувдан самарали фойдаланиш йўлга қўйилади. Маҳаллалардаги даракларни замонавий сув тежовчи технологиялар орқали суғориш тизими жорий этилади. Яна одамлар дам олиши учун соҳилларда зарур инфратузилмани яратишга қаратилган 80 та лойиҳа амалга оширилади.

Айни чоғда “Бир миллион яшил оила” ҳаракати йўлга қўйилиб, юриш ва югуриш, “яшил” транспортда ҳаракатланиш, озик-овқат исрофининг олдини олиш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни тарғиб қилиш, 200 миллион туп кўчат экиш, яшил боғлар сонини 257 тадан 701 тага, Оролбўйи минтақасидаги ўрмонларни 2,1 миллион гектарга етказиш, 4 та галофит боғ ташкил этиш каби лар ҳам ислохотлар тўғрисида тўғри халқимиз фаровонлигига йўналтирилган кўрсаткичларни белгилашга қаратилган ҳаракатларни бирлаштиришга хизмат қилмоқда. Фармон лойиҳасида Оролбўйи минтақасидаги ўрмонлар 2,1 миллион гектарга, ўрмон билан қопланган майдонлар 4,1 миллион гектарга етказилиши кўзда тутилган. Муҳофазга қилинадиган табиий ҳудудлар 14,56 фойзга кенгайтирилиб, экотуризм, кўчатчилик ва доривор экинлар йўналишларида фойдаланилмаган захиралар аниқланади. Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа ҳудудларда шўр ва сувсизликка чидамли ўсимликлар боғлари ҳамда давлат “ин-витро” лабораториялари ташкил қилинади. Хусусий “ин-витро” лабораторияларини барпо этаётган тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш учун халқаро молия институтларидан камида 30 миллион доллар миқдорда маблағ жалб этилади. Хайрли тадбирлар дахшати экологик муаммо кўламини камайтириш йўлидаги гуманистик қадам бўлади.



ЎЗБЕКИСТОН КАТТА ЙЎЛГА ЧИҚДИ. КАТТА ЙЎЛДА КАТТА ҚИЙИНЧИЛИКЛАР, ТЎСИҚЛАР БЎЛАДИ. МИСОЛ УЧУН, ТАБИАТ МУСАФОЛИГИНИ АСРАШ МАСАЛАСИ. БИРГИНА “ЕВРО-4” СТАНДАРТИДАН ПАСТ БЎЛГАН МОТОР ЁНИЛГИСИНИ СОТИШ ҲАМДА ИССИҚЛИК ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОРХОНАЛАРИДА МАЗУТДАН ФОЙДАЛАНИШ ТУФАЙЛИ ОЗМУНЧА ЗАРАР КЎРИЛАЙТИМИ? ЭНДИ МАЗКУР КАМЧИЛИККА ҲАМ БОСКИЧМА-БОСКИЧ ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ.

Юртимизда экологик муаммолар олдиндан ўрганилиб, атроф-муҳитни асраш чораси кўриляпти. Экологик муаммоларни ҳимоя қилиш ва тиклаш, кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш ва “Яшил макон” умумий лойиҳасининг амалга оширилиши бу борада муҳим қадам бўлмоқда. Президентимиз ташаббуси билан бошланган ушбу умумий лойиҳа чинакам халқ ҳаракати бўлиши керак. Ҳар йили баҳор ва куз фаслида дароҳт кўчатлари экиш анъанаси жонланди.

Шу билан бирга, минг километрдан зиёд канални бетон билан қоплаш, ирригация ва мелiorация тизимлари объектлари қуриш ҳамда реконструкция қилиш орқали 390 минг гектар майдонда сув таъминотини яхшилаш ҳам минтақамизда тобора камайиб бораётган сувни тежаш, қишлоқ мулкдорларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга муносиб ҳисса бўлиб қўйилади. Буни айнан халқимиз кўнгилдаги иш, десак тўғри бўлади.

III

Тўғри, юртимизда халқни рози қилиш борасидаги ютуқлар оз эмас. Лекин камчиликлар, мураккабликлар, муаммолар ҳам етарли. Ҳеч ким бунни хаспўшлатгани йўқ.

Ўзбекистон катта йўлга чиқди. Катта йўлда катта-катта қийинчиликлар, тўсиқлар бўлади. Мисол учун, табиат мусафоллигини асраш масаласи. Биргина “Евро-4” стандартидан паст бўлган мотор ёнилғисини сотиш ҳамда иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқариш қорхоналарида мазутдан фойдаланиш туфайли озмунча зарар кўриляптими? Энди мазкур камчиликка ҳам боскичма-боскич чек қўйилади.

2025 йилдан инвестиция дастурлари, тармоқ, соҳалар ва ҳудудларни ривожлантириш лойиҳаларининг 10 фойзи, 2027 йилдан 25 фойзи, 2030 йилдан 50 фойзи “яшил” лойиҳалар бўлиши таъминланади. Шунингдек, 2026 йилдан бошлаб

ичимликларнинг пластик қадоғида рангли пластикни ишлаши, 2027 йилдан пластик пакетлар ишлаб чиқариш, олиб кириш ва фойдаланиш тақиқланади ва умумий қуввати 3,5 гигаваат бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларини фойдаланишга топшириш орқали уларнинг жами электр энергияси истеъмолидаги улуши 26 фойзга етказилади.

Европа Иттифоқи иштирадики Бухоро, Наманган, Нукус, Урганч ва Ғузорда кам углеодли ривожланиш режалари ишлаб чиқилиб, 10 та ижтимоий объектнинг энергия самардорлиги оширилади. Кўзда тутилган бу юмушлар халқимиз саломатлиги, атроф-муҳит муҳофазасига қаратилгани билан қимматлидир. Мазкур дастур ижросини таъминлаш мақсадида қарийб 90 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши назарда тутилмоқда.

Дастурнинг қабул қилиниши “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳамда Олий Мажлис палаталарининг мажлисларида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этиш, БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисида ҳақли конвенциясининг Киото протоколи ва Париж битими доирасида мамлакатимизнинг глобал ҳамжамият олдида олган мажбуриятларини бажаришга хизмат қилади. Шу билан бирга, тармоқлару соҳаларнинг уйғун “яшил” трансформациясини амалга оширади, рақобатбардошлиги ва тежамкорлигини таъминлайди. Аҳолига иқтисодий ўсишнинг янги — “яшил” ривожланиш моделига ўтиш имкониятини яратяди.

Лойиҳада кўзда тутилган янги чеклашувлар 2030 йилгача ялли ички маҳсулотнинг йиллик ўсишини камида 6 фойз ва унинг миқдорини 200 миллиард долларга етказиш, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида ривожланиш учун мустаҳкам замин ҳозирлайди. Ишонч билан айтиш мумкинки, давлат дастури лойиҳаси мамлакатимизда янгилаштирил, ислохотлар изчил давом этишининг ўзига хос кафолатидир.

IV

“Яшил” энергетика миллий иқтисодиётимиз драйверига айланаётганидан келиб чиқиб, бу йўналишда ҳам кечитириб бўлмайдиган муҳим вазифалар белгилаётгани узоқ йиллардан бери халқимизнинг қийнаб келатган муаммоларга ечим бўлади, албатта. Бундан олти йил муқаддам Ўзбекистонда “яшил” энергетика ёки қайта тикланувчи энергия манбалари ҳиссаси арзиманган миқдорда эди. Жорий йилги давлат дастури лойиҳасида бу борадаги ишларни бугунлай янги босқичга кўтариш бўйича аниқ вазифалар қўйилмоқда. Жумладан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан қайта тикланувчи

энергия манбаларидан кенг фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида 2025 йил 1 апрелдан бошлаб чиқиндилар утилизацияси ҳисобига ҳамда шамол ва кўёш манбаларидан ишлаб чиқарилган электр энергияси учун “яшил тариф”ларни жорий қилиш тақлиф этиляпти. Бу “яшил” энергиядан фойдаланаётган халқимиз учун ҳам, тадбиркорларимиз учун ҳам катта имконият ва энгилликдир.

Кейинги йилларда давлатимиз томонидан “яшил” энергия манбаларини барпо қилиш бўйича катта дастурлар яратилди. Инвесторлар учун жозибадор муҳит ташкил этилди. Натияжа рақамларда кўзга ташланади. Дикқат қилинг, биргина 2025 йилда 3,4 минг мегаваттлик 18 та кўёш ва шамол станцияси ҳамда 1,8 минг мегаваттлик саклаш тизимлари ишга туширилади. 2025 йил адогича “яшил” энергия ишлаб чиқариш ҳажми 12 миллиард киловатт-соатга етказилади. Бу 5 миллион хонадоннинг бир йиллик истеъмолига тенг ва 6,5 миллион тонна зарарли газ атмосферага чиқишининг олди олинадиган дегандир.

Келгуси 2 йилда хусусий тадбиркорлар билан бирга 2 мингдан ортик кичик ва микро ГЭС ташкил қилинади. Соҳага хусусий сектор кириб келиши рағбатлантирилиб, электр энергияси бозорини ташкил этиш бўйича катта қадамлар қўйилади. Хусусан, 2025 йил якунига қадар рақобатли савдолар орқали электр энергияси улгуржи бозори яратилади.



Булар айтишга осон, аммо бажариш кўп мураккаб вазифалардир. Президентимизнинг сиёсий иродаси билан бошланган ислохотлар туфайли сармоядорларнинг юртимизга қайтиши мана шундай улкан лойиҳаларни амалга ошириш имконини берапти.

V

Ҳа, давлат дастури лойиҳасида бағоят катта марралар белгиланган. Аммо булар шунчаки маҳабатли режалар ёхуд хою ҳаваслар эмас. Ҳар бир мақсаднинг мустаҳкам замини, ижро мuddати, масъуллари ва энг асосийси, мақсад сари ишонч билан интилувчи халқ бор. Сўнгги 7-8 йилда янги одамлар шаклланди. Янги Ўзбекистон янги одамларни тарбиялади, тоблади. Одамларнинг руҳияти ўзгарди. Бир-бирини тушунадиган, ишонадиган, бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган маслакдошлар гуруҳи дунёга келди. Ватан келажиги учун қўйгуриш туйғуси қулф урди, ғайратлар, ғурури, эътиқодли, саховатли қаблиларда тўлқиланди.

Аҳоли турмуш даражасини оширишнинг амалий пойдевори вазифасини бажаряётган фармонлар эса халқимиз руҳониятидаги энг улук дарёларига айрича шиддат бағишляпти. Шу маънода, ижтимоий инфратузилмаларни такомиллаштириш, камбағалликни қисқартириш, хусусий

секторни ривожлантириш ва инновацион ечимлар жорий этишга қаратилган мазкур ҳужжатни ҳам, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз келажигини белгилаб берган тараққиёт дастури, дейиш мумкин.

Ўзбекистонда 2025 йилнинг Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили деб эълон қилинган мамлакатнинг экологик масъулияти ва келажак учун табиий ресурсларга ғамхўрлик қилиш мажбуриятини ҳам тасдиқлайди. Бу ташаббус мамлакатимизнинг узоқни кўзлаб, глобал экологик муаммоларга жавоб беришдаги қатъияти ва позициясини акс эттиради.

Давлатимиз раҳбари бугун иқлим ўзгариши, ҳаво ва сув ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўлланиш, қазиб олинмаган ёқилдан назоратсиз фойдаланиш каби салбий оқибатлар нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда сезилаётганига эътибор қаратмоқда. Мутахассслар фикрича, иқлим ўзгариши натижасида 2050 йилга бориб Марказий Осиё минтақасида сув ресурслари 10-15 фойз камайиши, ер деградацияси туфайли қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги 20-30 фойз пасайиши кутилмоқда. Углерод чиқиндилари йиллик ҳажми 400 миллион тоннани ташкил этади. Мавжуд ҳайвон ва ўсимлик турларининг 12 фойзи йўқолиши хавфи остида. Сув ва ҳаво ифлосланиши сабабли минтақада ҳар йили 50 мингдан зиёд инсон турли сурункали касалликлардан вафот этади.

Ушбу рақамлар Марказий Осиёдаги экологик муаммолар нақадар жиддийлигини кўрсатади ва дарҳол қатъий чоралар кўриши талаб қилади. Дастурий ҳужжат шуниси билан ҳам муҳим. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, экологик тадбиркорлик ва инновацион технологияларни ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш, қўшимча иш ўринлари очиб илкомини беради. Бу қадамлар Ўзбекистоннинг барқарор ривожланаётган давлат сифатида халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тараққиёт шу қадар мураккаб ва оғир жараёнки, инсонлар ҳам, жамият ҳам

ҳар қадамда турли қийинчиликлар билан юзма-юз келади. Биз яшаб турган ва ундан ҳам кенгроқ геополитик ҳудудларда юз бераётган сиёсий найрангбозликлар юртимизга қайтиши мана шундай улкан лойиҳаларни амалга ошириш имконини берапти.

Аёнки, ҳамма билдиган гап азалдан аксиома дейлади. Ўзбек халқининг сўнгги йилларда эришган муваффақиятларини ахли олам кўриб турибди. Ватанимиз охириги 7-8 йил ичида нафақат Марказий Осиё, балки бутун МДҲ маконига янгилашни ва тараққиётда иқтисодий ислохотлар драйверига айланди. Бу эса янги Ўзбекистоннинг асосий гоёси бўлган “Инсон қадри учун” формуласи ҳамда “Инсон — жамият — давлат” деган ислохотларнинг бош тамойили ҳаётга бекум кўст тағбиқ этилаётганининг ёрқин кўзгуси, азиз ватанимизда бундай халқчил юмушлар бардавом эканининг кафолатидир.

МОПЕД ВА СКУТЕРЛАР ҲАМ ЭНДИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ

Уларга давлат рақами белгиси олиш ва ҳайдовчилик гувоҳномаси билан бошқариш тартиби қандай?



Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Шу кунларда юртимиз бўйлаб мопед ва скутерларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда уларга алоҳида фарқловчи давлат рақами белгиларини олиш ишлари бажарилаётган. Гап шундаки, жорий йил 1 мартдан бошлаб мопед ва скутерлар ҳам транспорт воситалари қаторига қўшилиши ва аввалгидек велосипед йўлакларига эмас, балки автомобиль йўлида ҳаракатланади. Айни шу вақтдан бошлаб ушбу турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳайдовчилардан "А" тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси талаб этилади.

Мазкур талаб ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамага сабаб бўлиб, одамларнинг айрим эътирозларини ҳам келтириб чиқармоқда. Кўпчилик буларнинг бари ортқича ҳаракат эканини эъзаётган бўлса, бошқа тармоқ фойдаланувчилари ўз ҳудудидида "А" тоифа ҳайдовчилигига

ўқитадиган автомактаблар йўқлигини айтипти.

Автомобиль ҳайдовчилари эса бу айни керакли қарор бўлди, деган фикрда. Бойси, кейинги вақтларда йўлларда мопед ва скутерлар кўпайиб қолгани, уларнинг айрим ҳайдовчилари томонидан йўл ҳаракати қодалари кўп тарзда бузилаётгани сир эмас. Аммо ушбу мототранспорт воситалари давлат рақами белгисига эга бўлмагани боис, уларни камералар қайд этмайди ва жарима тўлашдан қўтулиб қолади. Бундан кўпинча автотранспорт воситалари эгалари зарар кўради.

Мутасаддилар таъкидича, мопед ва скутерлар худди бошқа транспорт воситалари сингари йўлларда ҳаракатланар экан, демак, йўл ҳаракати қодаларини бошқа ҳайдовчилар каби билиши ва риоя этиши керак. Шу боис, 1 мартдан бошлаб мопед ва скутерларни давлат рақами белгиси билан бошқариш мажбурийлиги белгиланди. Бунинг ҳуқуқий асослари ва зарурий талаблари ҳам кўрсатилган.

— Вази́рлар Маҳкамасининг 2024 йил 17 июлдаги тегишли қарори билан автомобиль йўлида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бир қанча ўзгаришлар киритилиб, электромотосикль, мопед ва скутерлар учун алоҳида фарқловчи давлат рақами белгилари жорий этилган, — деди Республика ИҶ ҳаракати хавфсизлиги хизмати ахборот хизмати бошлиғи Зойир Йўлдошев. — Мазкур қарор билан фойдаланишда бўлган мопед ва скутерларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида 2025 йил 28 февралга қадар амал қиладиган вақтинчалик низоми ҳам тасдиқланган. Унга кўра, двигателининг иш ҳажми 25 куб сантиметр ва ундан ортқича, лекин 50 куб сантиметрдан ошмайдиган, шунингдек, электр двигателининг қуввати 0,25 киловатт ва ундан ортқича, бироқ 4 киловаттдан ошмайдиган, конструктив тегишли соатига 25 километр ва ундан ортқича, лекин 50 километрдан ошмайдиган транспорт воситалари (мопед ва скутер) учун алоҳида рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари жорий этилди. Шунингдек, ушбу турдаги транспорт воситасини бошқаришда, албатта, ҳайдовчининг бошида шлем, эндида хавфсизлик нимчаси бўлиши талаб қилинади. Қолаверса, ҳайдовчидан миллий

2025 йилнинг 1 мартдан эътиборан давлат рўйхатидан ўтмаган, давлат рақами белгиси ва "А" тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмаган мопед ва скутерлар ҳайдовчиларига нисбатан белгиланган тартибда йўл ҳаракати қодаларига мувофиқ жазо чоралари қўлланади.

ҳайдовчилик гувоҳномасининг "А" тоифаси сўралади. Ушбу транспорт воситаларини ижарага олиш ёки беришда, ишончнома орқали бошқарганда ҳам давлат рақами белгилари бўлиши зарур. Акс ҳолда, ҳайдовчига нисбатан жарима солинади.

Бу қарор, аввало, халқ манфаати, ҳайдовчи ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинганини тушуниш керак. Ҳайдовчилик гувоҳномасини олган фуқаро йўл қодаларини билди ва уларга амал қилади. Мопед ва скутерларни давлат рўйхатдан ўтказиб, давлат рақами белгиларини бериш ҳам хавфсизлигини таъминлаш чоралари билан боғлиқ. Хусусан, ушбу турдаги транспорт воситаларининг техник соғлигини текшириш, улар билан боғлиқ ўғриллик жиноятларининг олдини олиш ва ҳожазо ҳолатлар ҳисобга олинган. Юқоридagi низоми амал қилиш мuddати тугагунга қадар — шу йил 1 мартгача мопед ва скутерлар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Бу давр ушбу транспорт воситалари эгалари учун имконият бўлиб, ҳозир битта тушунириш хати ёки ариза билан амалга оширилади. Белгиланган мuddатдан кейин эса умумий тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш йўлга қўйилиб, мопед ва скутерлардан ҳам худди бошқа транспорт воситалари сингари ҳисоб варақаси сўралади.

Мопед ёки скутерлар йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати худудий бошқармаларининг рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлиминлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади. Жараён ўтган йил октябрдан бошланган. Жорий йил аввалидан талабгорлар сони янада ошди. Шу йил 10 январда

Сурхондарё вилояти йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси рўйхатдан ўтказиш бўлимида ҳам вилоятдаги бир нечта мопедга давлат рақами топирилди. Белгиланган мuddат тугашидан олдин одамлар ўзига тегишли мопед ва скутерларни давлат рўйхатидан ўтказиб, давлат рақами белгиларини олишга интиляпти. Бу мuddат сўнгига бориб, набват кескин ортинининг олдини олади.

Аммо ҳалигача бу амалиёт тартиби ҳақида аниқ тушуночга эга бўлмаганлар ҳам бор. Мутасаддиларнинг тушуниришича, мопед ва скутер эгалари давлат рақами белгисини олиш учун йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати худудий бошқармаларининг рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлимига мурожаат қилади. У ерда масъул ходимлар томонидан мопед ёки скутер ташқи кўриқдан ўтказилиб, агрегат рақамлари ўрғанилади ва рақамлар махсус тизимга киритилади. Мурожаатчи шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ҳождига тақдим этган, ортқича сўроқ-саволлар сиз белгиланган тартибда тушунириш хати бланкаларини тўлдирди. Тегишли тартибда давлат божи тўлагач, рўйхатга олиш ишлари бажарилади.

Айни пайтда мопед ёки скутерни давлат рўйхатидан ўтказиш тўлови базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баробари — 562 минг 500 сўми ташкил қилади. Давлат рақамини олиш тўлови ҳам худди шунча миқдорда — 562 минг 500 сўм. Транспорт воситаси рўйхатдан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 фоизи — ҳозир 262 минг 500 сўм

тўланади. Сервис учун эса базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи — 37 минг 500 сўми олинади. Шундай қилиб, мопед ва скутерларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва давлат рақами белгиларини олиш учун жами 1 миллион 425 минг сўм давлат бадали тўланади.

Авалги йўл ҳаракати қодаларига "скутер" атамаси мавжуд бўлмаган ва мопеднинг изоҳида битта бўлиб келтирилган. Ҳукуматнинг тегишли қарори билан йўл ҳаракати қодаларига киритилган ўзгаришларда эса "скутер" атамаси "мопед" атамасидан ажратиб олинди ва алоҳида изоҳига эга бўлди. Шундай қилиб, мопед бу — ички ёнур двигателига эга бўлган, 2, 3 ёки 4 гилдиракли транспорт воситаси бўлса, скутер электр двигателига эга бўлган, 2 ёки 3 гилдиракли транспорт воситасидир.

Шу кунгача мопед ва скутерлар велосипед йўлакларига бўйлаб ҳаракатланиши керак эди. Автомобиль йўлида эса уларнинг бошқа тасмаларга ўтиши ҳамда қайрилиб олишида чеклов мавжуд бўлган. Энди мопед ва скутерлар ҳам транспорт воситалари қаторида автомобиль ҳайдовчилари ҳаракатланаётган қатнов қисмидан бошқа тасмаларга ўтиб ҳаракатланиши мумкин. Ушбу имконият ва қўлайлик қўшимча талаблар ҳам юқайди. Мазкур турдаги транспорт воситаларини бошқарувчи ҳайдовчилар "А" тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлиши мажбурий этиб белгиланди.

Ушбу талаб аҳоли орасида турли баҳс-мунозараларга сабаб бўляпти. Асосий муаммо Тошкент шаҳри ва бошқа худудларда салкам бир йил давомида "А" тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига ўқитадиган автомактаблар бўлмагани, охириги бир ойдагина уларнинг бир нечаси иш бошлангани билан боғлиқ. Қолаверса, мопед ва скутер ҳайдовчиларининг кўпи ижтимоий қийналган инсонлар бўлиб, ушбу нисбатан арзон

транспорт воситасидан тиричилик манбаи сифатида фойдаланади. Шу боис, одамлар орасида ширк мuddатда "А" тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш мумкинми, унинг харажатлари транспорт воситасининг ўзидан ҳам қимматга тушмайди, бу талаб шароити оғир инсонларни қийнаб қўймайди, деган эътирозли саволлар кўпайган.

— "А" тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун барча ҳайдовчилик гувоҳномасида ўқитиш талаб этилмайди, — дейди Республика ИҶ ҳаракати хавфсизлиги хизмати ахборот хизмати бошлиғи Зойир Йўлдошев. — Умуман, ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмаган фуқаролар мопед ва скутерни бошқариш учун автомактабда тегишли тартибда ўқиши керак. "Б" ва "С" турдаги ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлган инсонлар эса "А" тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун қайта ўқиши шарт эмас. Улар имтиҳон марказларига бориб, тегишли тартибда имтиҳон топириши орқали "А" тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини олиши мумкин. Автомактабларда бундай тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси бериш бир мuddат тўхтаб қолгани ўрнига эътироз. Гап шундаки, автомактабларнинг ҳаммаси хусусий сектор бўлгани боис, талабдан келиб чиқиб лицензия олади ва шунга қараб ҳайдовчилик таъйилади. "А" тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси учун ўқитиш курслари ташкил этилмагани ҳам ана шу талаб билан боғлиқ. Айни пайтда Тошкент шаҳрида 160 та автомактаб фаолият юритаётган бўлса, шундан 10 тасида "А" тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси бериляпти.

Шундай қилиб, қарор талаблари қатъий. Талабгорлар белгиланган мuddатга қадар улгурishi керак. Чунки 2025 йилнинг 1 мартдан эътиборан давлат рўйхатидан ўтмаган, давлат рақами белгиси ва "А" тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмаган мопед ва скутерлар ҳайдовчиларига нисбатан белгиланган тартибда йўл ҳаракати қодаларига мувофиқ жазо чоралари қўлланади. Транспорт воситаси ҳаракатдан тўхтатилиб, жарима майдонига қўйилиши мумкин.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Худудлар ҳаёти

Пахтакор тумани яқин йилларгача ўз номига мос, аграр соҳага ихтисослашган бўлиб, асосан, пахта ва галла етиштирар, ишлаб чиқариш, саноат корхоналари деярли йўқ эди. Мамлакатимизда янги давр насими эсгач, Пахтакор ва пахтакорликлар ҳаётида ҳам туб бурилишлар, янгиланишлар рўй берди. Тадбиркорликка кенг йўл очилиши, ишбилармонлар ҳуқуқларининг давлат томонидан қафолатланиши, уларга аркинлик берилиши, солиқ ва бошқа текширувларнинг бекор бўлиши, конвертация масаласининг ҳал қилиниши туманга инвестициялар кириши, янги ишлаб чиқариш ва саноат корхоналари иш бошлиши, савдо, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланишига катта туртки бўлди. Натияжада ўтган қисқа мuddатда туман иқтисодиёти юксалиб, аҳоли даромади ошди, худуд кийёфаси тубдан ўзгарди. Эътиборлиси, туманнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичи йилдан йилга яхшиланмоқда.

Жумладан, 2024 йил якуни бўйича туманда янги ишлаб чиқариш, саноат корхоналарини бунёд этиш, мавжудларининг фаолиятини кенгайтириш ва қувватини ошириш ҳисобига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогнози қиймати бир триллион сўмга, ўсиш суръати эса 2023 йилга нисбатан 115 фоизга оширилиши ҳисоб-китоб қилинган.

Буни биргина "World trading company" масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон — Литва қўша корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. 2020 йил ташкил этилган мазкур қўша корхона автомобиллар учун антифриз, ҳаво филтри ва мотор мойи ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

Яқин йилларгача автомобиль моторини совитиш тизими учун ишлаб чиқарилган оддий антифриз мамлакатимизга хоридан импорт қилинган бўлса, энди Ўзбекистондан хоридга экспорт қилинмоқда.

ПАХТАКОР САНОАТЛАШАЁТГАН ТУМАНГА АЙЛАНМОҚДА

— Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 5 миллион 145 минг долларга тенг. Шундан 1 миллиони жамоанинг шахсий маблағи, 4 миллион 145 минг доллари хоржий инвестиция ҳисобига тўри келади, — дейди корхона директори Зайниддин Иброҳимов. — Маҳсулотимизнинг 45 фоизи Марказий Осиё, Россия ва Литвага экспорт қилинмоқда. Бундан ташқари, мамлакат бўйлаб автомобиль ишлаб чиқарувчи заводлар билан маҳсулот етказиб бериш йўлга қўйилган. Корхонамиз тўлиқ қувватда ишга туширилгач, автомобиль учун бир йилда 4500 тонна антифриз, 150 минг дона свеча сими ва 50 минг дона ҳаво филтри ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, 5 минг тонна техник ва мотор мойи тўзаланиб, қайта ишланади.

Ҳозир корхонада 125 киши меҳнат қилади, кўпчилиги "Ешлар дафтари", "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" да турганлардир. Бугун уларнинг моддий имконияти яхшиланиб, ижтимоий дафтарлардан чиқарилмоқда.

"Пахтакор Gold textile" трикотаж корхонаси тумандаги етакчи саноат корхоналаридан. Яқингача фақат ип-калага ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологияга эга корхона

2022 йилда трикотаж мато тўқиниши йўлга қўйди. Энди эса матони бўяш ва гул бошиш кўринишида қўшимча қиймат яратилди.

— Корхонамиз нафақат туманимиз, балки вилоятимизнинг йирик саноат корхоналаридан, — дейди корхона директори ўринбосари Жамшид Мелибоев. — Лойиҳамизнинг биринчи босқичи қиймати 25,4 миллиард сўм бўлиб, йилга 5 минг тонна ип-калага ишлаб чиқариш қуввати мавжуд эди. Утган йил ишлаб чиқариш кенгайтириш ҳисобига 7,8 минг тонна ип-калага ишлаб чиқардик. Лойиҳамизнинг иккинчи босқичида 9,6 минг тонна трикотаж мато, 1059 минг дона футболка, 144 минг дона халат, болалар учун 568 минг дона трикотаж кийим-кечак ишлаб чиқаришни режалаштиривамиз. Маҳсулотимизнинг асосий қисми Россия, Хитой, Польша, Литва ҳамда Туркияга экспорт қилинади. Айни пайтда корхонамизда 175 киши меҳнат қилляпти. Лойиҳамизнинг иккинчи босқичи ишга тушгач, ишчиларимиз сони 500 дан ошади.

Мазкур корхонанинг туман ва вилоят экспорт салоҳиятида ҳам улуши катта. Жумладан, 2021 йилда 6 миллион 150 минг, 2022 йилда 8 миллион 230 минг ва 2023 йилда



8 миллион 850 минг долларга тенг маҳсулот экспорт қилинган бўлса, ўтган йилда ушбу кўрсаткич 10 миллион долларга етказилди.

Пахтакор тумани кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга замонавий технологиялар татбиқ этилаётган инновацион худуддир. Кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини бирламчи ёки чуқур қайта ишлаш худуд иқтисодиётига катта фойда келтирмоқда. Биргина мошини қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхонага ҳамашё мамлакатимиз бўйлаб етказиб бериляпти. Бир йилда 10-15 минг тонна мош қайта ишланиб, Хитой ва АҚШга экспорт қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 8-9 апрель кунлари Жиззах вилоятига ташрифида берилган топириқлар жамғои доирасида Пахтакор туманида камбағалликни қисқартириш, аҳолининг доимий даромад манбаига эга бўлишига кўмаклашишга изчил киришилган. Бунда, энг аввало, оилавий тадбиркорлик ташаббуси қўллаб-қувватланмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаларини

ривожлантиришга ҳаракатлантирувчи куч сифатида эътибор берилмоқда. Масалан, туманда аҳоли томирқалиридан оқилона фойдаланиш, чорвачилик, кўенчилик, паррандчилик, балиқчилик кабилар йўлга қўйилиб, қўшимча даромад топиш манбалари яратилляпти. Маҳаллаларда кичик тивкувчилик цехлари курилиб, ишга туширилмоқда. Аҳолига хизмат кўрсатиш турлари ривожланмоқда.

— Президентимизнинг Сайхунобод, Зарбдор, Уйчи, Гўждувон тажрибасидан келиб чиқиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, бўш иш ўринларини яратиш, яшаш шароитини яхшилашга доир топириқлари асосида 406 кишига жами 11 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилди, — дейди Пахтакор тумани камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи Адхам Олтиев. — Бундан ташқари, туманимизда "Хар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида шу кунгача 81 фуқарога 100 миллион сўмдан кредит ажратилди. Натияжада улар турли соҳаларда тадбиркорлигини йўлга қўйиб, хар бири 10 тагача янги иш ўрни

очди. Умуман, мазкур ташаббуслар тўғрисида туманимиз бўйича 560 ишсиз доимий даромад эгасига айланади.

Пахтакорнинг хар бир маҳалласи ўз салоҳиятига, иқтисодий драйверига эга. Боғи-шамол маҳалласи кишлоқ ҳўжалигига ихтисослашгани боис, томорқачилик драйвер йўналиш сифатида танлаб олинган. Сердаров иссиқхоналар сони бугун маҳаллада 30 дан ошган. Масалан, Жамшид Аҳмедов етакчи тадбиркор сифатида помидор ва булғор қалампир етиштиришни кенг омалаштирган. Шу кунларда пишиб етилган "Амарок" навли булғор қалампир Қозғистонга экспорт қилинмоқда. Ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла раиси кўмагида тадбиркорга маҳаллада шоғирдлар бириктирилди. Шулардан бири Хуршид Аҳмедов бугун тажрибали деҳқон ва ишбилармонга айланади. У ташкил этган иссиқхонада иккинчи ҳосил қадамега помидор териб олинаётган бўлса, ҳадемай булғор қалампир ҳам пишиб етилади. Маҳаллада худди шундай оилавий тадбиркорлар санини кенгайтириш мақсадида жорий йилда 7 фуқарога 100 миллион сўмдан кредит ажратилди. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида ушбу маҳаллада тадбиркорлар сони бугун 100 нафарга етган.

— Ишсиз юрардим, хоридга бориб ишлаш ниятим ҳам бор эди, — дейди Хуршид Аҳмедов. — Аммо эътибор берсам, қўшим Жамшид ақа иссиқхонасида помидор, булғор қалампир етиштириб, экспорт қилляпти. Менда ҳам қўшимимизнинг ишига ҳавас пайдо бўлди. Ниятимни айтганимда, "Одам қилган ишни одам қилади, ҳозир аввалгидек овора бўлмайсан. Маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчисига учрашсанг, ёрдам қилади. Иссиқхона курсанг, ўзим сенга ёрдам бераман", деди. Маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси Мухаммад Ботировга учрашдим. У менга йўл-йўриқ кўрсатди. Имтиёзли кредит олинмишга ёрдам берди. Қолган ишларни қўшимимнинг кўрсатмаси асосида бажариб, икки йилдан бери ушбу соҳада тажриба тўплаб, яхшигина даромад топяман. Келажда фаолиятимни янада кенгайтириб, иш ўринлари яратиб, юртимиз иқтисодиёти юксалишига ҳиссамни қўшимчиман.

Ҳа, бугун халқимиз манфаати йўлидаги кенг ислохотлар, улкан ўзгаришлар ва бунёдкорлик ишлари юртдошларимиз турмуш таризида, худудларимизнинг замонавий кийёфасида ўз аксини топмоқда. Буни Пахтакор туманида қилинган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Энг муҳими, юртдошларимиз қалбидан эзгу саъй-ҳаракатларга муносива қўлиши, эртанги кунга қатъий ишонч, ватанпарварлик туйғуси мустаҳкамлиб бормоқда.

Фарҳод НЕЪМАТОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири



14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

армия ўйинларида ҳарбий хизматчиларнинг 8 нафари “Қуролсоз уста”, 5 нафари “Қутб юлдузи” ва 6 нафари “Хавфсиз маршрут” танловларида совринли ўринларни қўлга киритган. Муддатли ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтказилган мутахассислик танловларида кетма-кет икки йил биринчи ўрин эгалланди.



Шунчаки ҳавас камлик қилади

— Ҳарбийлик масъулият қасб. Унга шунчаки ҳавас қилиш камлик қилади. Бу соҳанинг машаққати, синовлариға кўксини қалқон қилган эр йигитларгина чинакам ватан ҳимоячиси бўла олади. 12 яшар ўғлим ҳарбий учувчиликка қизиқди. Бу яхши. Унга ҳозирдан бу ишнинг машаққатини, пасту баландини тушунириб бораётман. Зеро, ҳарбийликда қаттиқ тартиб-интизом ҳаммиша устувор. Бунга эса ёшлар ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёр бўлмоғи даркор, — дейди қисм командирининг моддий тасминот бўйича ўринбосари Дониёр Бойназаров.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган оддий аскар Дилшод Ташанов сурхондарёлик. Тиббиёт билим юртига ўқишга кири олган бу йигит кўл ўтмай, ҳарбий хизматга қабирилади. Машаққатларга қарамай, тез орада ўз интилиши ва тиришқоқлиги билан командирлар эътиборини қозонади. Ҳозир у ўқ отиш, ҳарбий техника бошқаруш ҳадисини пухта эгаллаган. “Энг илгор мутахассис” республика кўрик-танловида унинг уч кишилик экипажи етакчилик қилди. Жанговар техникани бошқариш ва отув синовларида тенгсиз эканини намойиш этди. Танлов якунида жамоа эъзадлик нишони ва 1-даражали диплом билан тақдирланди. Йигитнинг ўзи келажакни шу соҳада кўрапти. Ҳарбий қисмда Дилшод каби истеъдодли аскарлар кўпчилиги қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди.

Ҳамзабек ТУРДИЕВ, Ўзбекистон Журналистлар уюмчаси аъзоси

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мустақиллигимизнинг ўттиз уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан “Қуролли Кучларимизни замонвий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, уларнинг жанговар ва маънавий салоҳиятини оширишга бундан буюн ҳам улкан эътибор қаратамиз. Лекин тинчликни сақлаш фақат ҳарбийларимизнинг иши бўлиб қолмаслиги керак. Бу барчамизнинг, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас бурчи бўлиши шарт”, дея таъкидлаган эди.

ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ФИЛЬМЛАРИ ЖАСОРАТ ВА ФИДОЙИЛИК ТАРҒИБОТИДИР

Ҳар қандай армиянинг жанговар салоҳияти бевоасита маънавий юксалиш билан ҳам боғлиқ. Чунки ватанпарвар бўлган инсон қалбидан жанговар руҳ аланга олади. Ватанпарварлик эса маънавий озиқ, таълим-тарбия маҳсули эканини яхши биламиз. Бунда, айниқса, адабиёт ва санъатнинг ўзига хос ўрни бор. Шу боис, юртимизда ёшлар таълим-тарбияси, хусусан, ҳарбий-ватанпарварлик руҳиди асарлар яратишга катта эътибор берилмоқда.

Қолаверса, Миллий армиямиз шарафи, Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбирлар йилдан йилга янги-янги қилиниб келиб элтилади. Хусусан, Кинематография агентлиги ҳам бу йил байрамга муносиб туҳфалар тайёрлади. Агентлиkning “Хужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси” ДУК томонидан тақдим этилаётган, Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда ишланган ҳужжатли фильмлар кўпчилигида қизиқлиқ уйғотмоқда. Жумладан, Ҳарбий авиация институти фаолияти ҳақидаги “Янги Ўзбекистон лочинлари”, Қуролли Кучлар академияси ҳақида сўзловчи “Улуғвор қалб билан қўллаган сўзларга” ҳамда Аxbорот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтига бағишланган “Замонавий ҳарбий институт” фильмлари шу юрт фуқароси бўлган ҳар бир юртоқимиз қалбидан чекириб ўтувчи вақтнинг ишончидир. Қолаверса, “Янги Ўзбекистон киносолнома” туркуми доирасида суратга олинган ушбу фильмлар кўлаб ёшлар ҳаётида муҳим ўрин тутушига шубҳа йўқ. Зеро, уларнинг барчаси руҳлантирувчи таъсирга эга.

Шу кунларда тақдим этилиши кутилаётган “Қутқарувчи” ҳужжатли фильм ҳам ёшларни ватанга фидойилик руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Зеро, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда ишланган бу фильмда қутқарувчиларнинг машаққатли фаолияти, фавқулодда вазиятларда кўрсатган жасорати ёрқин очиб берилди.

Кейинги пайтларда ҳарбий соҳага оид фильмларнинг яратилиши ёш ижодкорларнинг қўлаб-қувватланиши замонвий руҳдаги кино ва сериаллар экран юзиди кўришга хизмат қилипти. Жумладан, “Ўзбек қизи” фильмида бош ролни ижро этган иқтидорли актриса Айсанем Юсупова истеъдодининг янги қирраларни яққол кўрипти.

Кинематография агентлиги бююртмасига биноан Миллий Гвардия, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда “Ренессанс” телеканали ҳамкорлигида “Лигер Синема” киностудияси томонидан

суратга олинган “Ваъда” номли кўп қисмли сериалда ҳам иқтидорли йигит-қизлар дебют роли билан ёш актёр ва актриса сифатида кашф этилди.

Айтиш жоизки, ўтган йили Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йилгилишида давлатимиз раҳбари томонидан “Темурбеклар мактаби” ҳарбий академик лицейлари тўғрисида бадиий фильмлар олиниши вазифаси қўйилганди. “Ваъда” сериали айна вазифанинг ижроси сифатида ҳарбий мелодрама жанрида суратга олинди. Мазкур фильм шу йўналишда ишланган “Сардор” сериалини эслатса-да, томошабинга янгича руҳ, кайфият беради.

Сериал ёшларнинг ҳарбий таълим олиш жараёнини, интизом ва масъулиятни ҳис

ва актрисалар суратга олиш жараёнида қўтилмаган вазиятларни бошдан кечиришига тўғри келгани ҳақида тўққинлиниб гапирди.

— Илк бор ўзимни актриса сифатида санаб кўрдим. Ҳар бир эпизодда қатнашиш жараёнида ватанга бўлган муҳаббат, мардлик, жасоратни ўзимизнинг ҳаётимизда, амалда ҳис қилдик. Айниқса, полигонларда машғулотлар ўтказганимизда, бутунлай бошқача ҳаётга тушиб қолгандай бўлдим. Умуман олганда, ҳарбийларнинг ватан олдидаги бурчи шунчаки ваъда бўлмаслигини тушуниб етдим, — дейди бош қаҳрамонлардан бири.

Яна бир қаҳрамон эса бош роль ижроси учун тақдирланганидан ҳам кўра тўрт ой давмида ватанпарварлик ҳиссида тар-



УШБУ МАҚОЛНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ҲАМ АКС ЭТАДИ. Буларнинг замирида ёшларни ҳарбий соҳага қизиқтириш тургани мақсадга мувофиқ.

қилишни ўрганиш, жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантириш каби муҳим жиҳатларни акс эттирди. Шунингдек, асарда дўстлик, садоқат, жасорат ва ватанпарварлик каби олижаноб қадриятлар улуғланади. Таълим-тарбиянинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳам акс этади. Буларнинг замирида ёшларни ҳарбий соҳага қизиқтириш тургани мақсадга мувофиқ.

Ассосан, ўсмирларга мўлжалланган “Ваъда”да эртасми эгалари ўз тенгдошларининг ҳарбийча ҳаётини кўради. Сериалда “Темурбеклар мактаби” ҳарбий академик лицейи ҳақида ўқувчилар персонажлари ёрдамида очиб берилган. 2024 йилдан “Темурбеклар мактаби”га қизлар ҳам қабул қилина бошлагани учун персонажлар орасида 5 нафар қиз бор. Ёш актёр

бияланганидан миннатдор. Зеро, “Темурбеклар мактаби”да таъкид этилган суратга олиш жараёни унинг ҳаётида ўзгача из қолдириди.

— Бунинг ўзига яраша қизиқ ва қийин томонлари бўлди, албатта. Булар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Сериалнинг қай даражада ишланганига томошабиннинг ўзи баҳо беради, — деди у.

Ҳа, асл бахони томошабин беради. Ўйлаймишми, уларни ҳарбийлар ҳаёти билан яқинлаштирган, ҳамон эътироф этиладиган “Сардор” сериали каби “Ваъда” ҳам ёшларимиз қалбидан жой олади.

Муножат МЎМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Муносабат



Дарҳақиқат, юртимизда инсон қадрини улуғлаш, ижтимоий давлат деган юксак мақомга муносиб ишлар амалга оширилмоқда. Бундай ўзгаришлар оддий одамлар ҳаётида қандай ўрин тутди?

Инсон умрини қандай яшаб ўтишдан кўра қайси муҳитда ҳаёт кечириши кўп нарсани ҳал қилади. Ҳар сонияда жаҳон айвони қалқиб турганини барчамиз ҳис қилмоқдамиз. Кўз очиб юмгунча қайсидир элат бошида қора булутлар соя солиб турган бўлса, яна қайсидир ўлка одамлари тинч отган тонгини чекириб қувонч билан қарши олмақда. Қанчалар болалар, аёллар ватансиз сарсон саргардон юргани ҳам айни ҳақиқат. Шу ўринда тинчлик ва инсоний ҳуқуқларидан мосуво, ижтимоий ҳимоясиз қолган одамлар тақдирини, уларнинг умид билан боққан кўзлари ҳақида ўйлай бошлайсан.

Ҳа, инсон қаерда бўлмасин, яхши яшашга ҳақли. У имкониятидан қатъи назар, қобилиятини юзага чиқарадиган муҳитга муҳтож. Бугун инқирозга юз тутаятган, ҳақ-ҳуқуқни оёқоси бўлаётган мамлакатлар ҳам эмас. Ҳатто ривожланган давлатларда ҳам фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги тушуначиси ҳар хил.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган тамойил белгилади. Хўш, ижтимоий давлат ўзи нима? Аввало, ижтимоий давлат негизда инсон қадрини улуғлаш ғояси ётади. Давлатимиз раҳбари “Инсон қадрини биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушуначи эмас. Инсон қадрини деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз

БАРЧАГА БАРОБАР МЕРОС БУ БАШАР

Президентимизнинг 2024 йил 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини муносабати билан йўллаган байрам табригида “Яна бир муҳим йўналиш — аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож катламларини қўлаб-қувватлаш учун жами 46,5 триллион сўм маблағ сарфланиб, 1 миллион фуқарони камбағалликдан чиқариш режалаштирилмоқда. Ногиронлиги бўлган шахслар учун янада қўлай шароитлар яратиш, уларнинг ижтимоийлашувини ошириш ва умуман, жамиятимизда инклюзивликни таъминлаш бўйича ишлар ҳам янги боқичча кўтарилади. Пенсия тизимини ислоҳ этиш бўйича ҳам зарур чоралар қўрилади”, деди.

ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз”, дея ургу берди. Бу, энг аввало, хотин-қизлар, қариялар, имконияти чекланган фуқароларга ҳар томонлама кўмак бериш, муҳтожлар бандлигини таъминлаш, хавфсиз меҳнат шaroити яратиш каби нарсани кўлаб-қувватлаш деганидир.

Ақсариятимиз ижтимоий давлат томон қадим ташлангунча бўлган жараён гувоҳимиз. Бир вақтлар ён қўшимизнинг, маҳалладошимизнинг оилавий мижоз сабаб кўмакчи қўлиб кетган болаларига дуч келганми. Улар ақсариятнинг уйида бўйинини эгганча яшаганига кўнқидик.

Ота-онаси ишлаш учун хорижга кетган болалар тақдирини турмуш ҳуқуқи ташлаб қўйилганига кўп бора дуч келдик. Ёки арзимоган пенсиясини икки-уч ойлаб кутган кексаларнинг ўқинганини айтмайми? Имконияти чекланган боласини бир ўзи катта қилган ўзбек оналари-чи? Ногиронлиги сабаб кўмакчи қилинган, одамлар кўзидан яшириниб ўтирган не-не тенгқўларимиз бор эмасми? Ҳа, бор эди. Биз уларга сафдош бўлдик, дарддош бўлдик, кези келса, оғриқларини яширдик. Қўриб-қўрмасликка олишни ўргандик. Улар замондошларимиз эди. Бу дардларни ҳаммамиз ҳис қилиб кўрдик.



Яқинда ижтимоий ходим бўлиб ишлайдиган танишим турғун берди: “Бир оилага бордик. Она ёлғиз боши билан ногирон боласига 16 йилдан буюн қараб келар экан. Давлат томонидан берилган озгина пулни ёки саҳий одамларнинг ёрдамини айтмас, боласига бир ўзи қараган. Мана шу йиллар ичида ижтимоий муҳитда, тўй-марракалардан бутунлай узилган. Шу фарзандга умрини тиккан”.

Бир инсоннинг тўрт девор орасида 16 йил фарзандига термилиб яшаганини кўз олдингизга келтириб кўринг-а. Бу ерда инсон иродаси эмас, балки кўпроқ фожиаси ётибди.

Кейин ўша она-боланинг тақдирига қизиқдим. Бир оз олдин тушкун кайфиятда сўзлаб берган дўстимнинг юзига табассум югуриб гап бошладим: “Аёлга тикув машинаси олиб берилди. У бююртма асосида тиккан кийимларнинг харидори ҳам кўпайган. Бола билан психологлар обдан сўхбатлашди. Тиббий кўриқдан ўтказилди. Кейин унинг расм чизишга қизиқиши борлиги ойдинлашди. Бир неча ойда мактаб-интернат тарбияланувчилари, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган ёшларнинг ижодий ишлари, хусусан, тасвирий ва амалий санъат намуналари, декоратив буюмлари сотувга қўйилди. Киношди савдосида боланинг ижодий иши 6 миллион сўмга сотилди”.

Шу ўринда Карл Юнг айтган бир фикр ёдингизга тушди: “Биргина одамнинг психологияси бутун халқнинг психологиясига мувофиқ бўлади. Халқ нима қилса, ўша одам ҳам шу ишни қилади ва айни вақтда бу ишни халқ ҳам қилади. Уша одамнинг ўзгартиридан бутун миллатнинг ўзгартири ибтидо

олади”. Бугун бир инсоннинг оёққа туриши, кашф этилиши, ўзгартири ордиган бутун миллат ўзгартириши мумкинлигини барчамиз ён-атрофимизда содир бўлаётган эврилишлар мисолида ҳис қилганми. Энди у оила нафақат даромадга эга бўлади, балки давлат ва жамиятга ҳам нафи тегади.

Ортимизда фуқароларга давлат томонидан кўрсатилган ижтимоий хизматлар миқдори ва турини кўпайтириш борасида қатор тизимли ишлар қилинмоқда. Хусусан, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги очилгани катта воқеа бўлди. Агентлик аҳоли ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди. Барча ҳудудларда “Инсон” марказлари очилиб, ижтимоий ходимлар маҳаллаларда аҳолига 100 дан ортиқ ижтимоий хизмат кўрсатишти.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ногиронлиги бўлган шахсларга алоҳида эътибор қаратилган. Буни амалда таъминлаш мақсадида ногиронлиги бўлган шахслар учун 50 га яқин давлат ва ижтимоий хизматлар жойини ишлари, тасвирий ва амалий санъат намуналари, декоратив буюмлари сотувга қўйилди. Киношди савдосида боланинг ижодий иши 6 миллион сўмга сотилди”.

Шу ўринда Карл Юнг айтган бир фикр ёдингизга тушди: “Биргина одамнинг психологияси бутун халқнинг психологиясига мувофиқ бўлади. Халқ нима қилса, ўша одам ҳам шу ишни қилади ва айни вақтда бу ишни халқ ҳам қилади. Уша одамнинг ўзгартиридан бутун миллатнинг ўзгартири ибтидо

2024 йил 15 декабрдан бошлаб спорт билан шуғулланишни истаган ногиронлиги бўлган шахсларга “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан давлат мулкда бўлган жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва спорт иншоотларида бепул спорт билан шуғулланиш учун йўланма берилди.

— Мурувват уйларида 2025-2026 йилларда спорт иншоотлари қурилади, спорт жиҳозлари билан таъминланади. Спорт билан шуғулланишни истаган имконияти чекланган шахслар “Инсон” ижтимоий хизматлар марказидан йўланма олиб, бепул шуғулланиш учун имконият яратилади, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги мутахассиси Гулноза Бўронова. — Бундан ташқари, кўзи ожизлар ва ҳаракат-танач тизими хасталиги билан оғриган шахсларга ҳамроҳ гуруҳлар тузилади. Бундан асосий мақсад ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий реабилитация қилишдан иборат.

Соғлом жамият келажак пойдеворидир. Бугун биз билан тенг ҳуқуқли бўлган имконияти чекланган ҳам юрт келажак учун қилган хизматларини олтин ҳарфлар билан ёзишга амминиз. Бунинг параллелида ҳам ишбодлари. Энди шахарсозлик нормалари ва қондалари талабларинан келиб чиқиб, кўчалар ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўксиз ҳаракатланишига мослаштирилади. Натияжада имконияти чекланган ҳам барча билан тенг ҳаракатлана олади. Шу ўринда шoirнинг бир мисраси ёдингизга тушди: “Барчага баробар мерос бу башар”. Бугун жамиятда неки имконият яратилаётган бўлса, ижтимоий аҳоли, жисмоний ҳолатидан қатъи назар, жамиятнинг барча аъзоларига бирдек хизмат қилиши шарт. Янги Ўзбекистон ҳамма учун тенг ҳуқуқлилик, адолатли ва муносиб ҳаёт мақамлати ўлароқ бу ишда ўз йўли ва мақсадини белгилаб олган.


Адолатга асосланган миллий давлатчилик маданиятимиз ҳамда анъаналаримизнинг мустақкам илдилари жамиятда инсон манфаатларини энг олий қадрият сифатида эътироф этади. Қисқаси, янги Ўзбекистон анъана ва қадриятларга содиқлиги, ижтимоий тўксиларини баргараф этиш ва ҳар бир инсоннинг ўзини қўлаб-қувватлаган ҳамда ҳимояланган деб ҳис этиши учун зарур муҳит яратишга интиломоқда.

Сардор ТОЛИБОЕВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Мулоҳаза

Китоб — инсоннинг дўсти, билим ва тафаккур манбаи, хазиналар қалити. Мутулаани одатга айланган инсон юксак тафаккури, билими, дунёқараши ва теран фикрлаши билан бошқалардан ажралиб туради. Буюк аллома Абу Наср Форобий "Инсонни камолотга етказувчи нарсалардан бири китобдир", деганда китобни маънавий камолот ва тарбиянинг асосий манбаи сифатида кўради. Жалолоддин Румий "Китоб, илму маърифат бўлмаса, инсоннинг ахлоқи ва дунёқараши мукамал бўлмайди", дейди. Буюк Цицерон "Китобсиз хона жонсиз танага ўхшайди", деган ташбехни келтирган бўлса, таниқли адиб Франсуа Вольтернинг "Китоблар — инсон руҳиятининг қўриқчилари", деган фикри замонлар оша оҳорини йўқотмай келмоқда.



БОЛАНИ КИТОБ ЎҚИШГА МАЖБУРЛАБ БЎЛМАЙДИ

Бунда ота-она намуна кўрсатиши лозим



Сарвар НАЗАРҚОСИМОВ, социология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

ҳолда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиб борасиди ва вазифаларини белгилаб берди. Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутулааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши китобхонлик маданиятини ривожлантириш учун дастлабки муҳим қадамлардан бўлди. Унга кўра, китобларни нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, ёшларнинг китобга қизиқишини ошириш мақсадида махсус комиссия ташкил қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутулааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китоб ўқиш, мутулаа маданиятини оширишда мустахкам замин яратди.

Шу ўринда китобхонлик маданияти юқори даражада тажрибасини ўрганиш ҳам долзарб масала. Бугун таълим тизими билан дунёда карбонбошликни бермай келаётган Финляндия энг китобхон мамлакатлардан биридир. Бу ерда китоб ўқувчилар сони аҳолининг 90 фоиздан ошади. Мамлакат оммавий кутубхоналар тизими самарали фаолият юритидади — ҳар юз минг кишига 13-15 та кутубхона тўғри келади. Шу бос, мамлакатнинг олий таълим ва умумий саводхонлик кўрсаткичи бошқа давлатларникидан анча балинд. Интернет орқали китоб сотиб олиш ҳам кенг ёйилган.

Жанубий Кореяда ҳам китоб ўқишга катта эътибор берилди. Мамлакатдаги ҳар бир фуқаро бир йилда ўртача 7-9 та китоб ўқиши қайд этилган. Жанубий Кореяда икки ярим мингдан ортиқ оммавий кутубхона фаолият юритидади. Рақамли технологиялар китобга қизиқишни ошириб, электрон китобдан фойдаланувчилар сони ҳам ортиб бормоқда. Кореяда рақамли китоблар ва платформа орқали китоб сотиб олиш жуда оммалашган. Айниқса, ёшлар орасида смартфонлар орқали электрон китобларга кириш қўлай бўлиб, китоб сотуви шу йўналишда ривожланган. Кувобо



УШБУ МАҚОЛНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Bookstore ва Yes24 каби йирик китоб дўконлари тармоғи Жанубий Кореяда китоб савдоси бўйича катта тармоқлардан.

Японияда ҳам китобхонлик, баъдий адабиёт мутулааси жуда оммалашган. Ҳар бир киши йил давомида ўртача 10-15 та китоб ўқийди. Мамлакатда минглаб китоб дўкони мавжуд. Япония китоб бозори манга (япон комикслари) орқали жуда

оммалашган. Манга китоблари сотуви давлатдаги умумий китоб бозорининг катта қисмини ташкил қилади. Токиодаги Кинокуния каби йирик китоб дўконлари ва онлайн савдо платформалари китобларнинг кенг тарқалишига таъминчи бўлиб келди. Ҳар йили Японияда миллионлаб нуска китоб нашр этилади ва ёшдан қатъи назар, аҳоли мунтазам китоб сотиб олади.

Дунё бозоридида сермахсул гоа ва ишланмалари билан етакчилик қилиб келаётган Сингапурни ҳам мутулаа маданиятида ўрнак қилиб кўрсата арийди. Унинг инновацион таълим тизими китобхонлик маданиятини қўллаб-қувватлайди. Мамлакатда рақамли кутубхоналар ва замонавий адабиётдан фойдаланиш жуда қўлай, бир одам йилига ўртача 6-8 та китоб ўқийди.

Европа давлатларида ҳам мутулаа маданияти бўйича ўрнак бўладиган катта тажриба тўпланган. Айниқса, Норвегия, Швеция, Франция, Германия, Нидерландия аҳоли жон бошига китоб ўқиш бўйича етакчи давлатлардан. Масалан, Германияда аҳолининг катта қисми мунтазам китоб ўқиш туради, кутубхоналарда замонавий адабиёт ва илмий асарлар кенг тарқалган. Мамлакатда 6000 дан ортиқ оммавий кутубхона мавжуд. Швецияда болалар адабиёти жуда оммалашган бўлса, Норвегияда ҳам китоб ўқишга эътибор берилган. Норвегияда ҳар бир кишига ўртача 5000 китоб тўғри келади. Мамлакатда мунтазам китоб фестиваллари ўтказилади ва китобхонлик миллий фахр даражасига кўтарилган. Францияда китоб дўконларини ҳимоя қилиш ва маҳаллий нашриётларни қўллаб-қувватлаш учун давлат махсус қонунлар қабул қилган. Улар онлайн китоблар савдосини тарғиб қилиб, дўконлардаги китоб нархини белгилаган даражада сақлаб туради. Буюк Британияда Waterstones каби йирик китоб дўконлари тармоғи мавжуд. У ерда чоп этилган электрон китоблар кенг сотилади. Amazon Kindle хизмати орқали электрон китоб савдоси жуда оммалашган. Кўп китобхонлар электрон китобларни қўлай ва арзон нархда сотиб олиш имконига эга. АҚШда китобхонлар клублари ва онлайн китоб ҳамжамиятлари ёшлар ва катталар орасида оммалашган. Давлатда рақамли китоблар

бозори катта қамровга эга. Amazon Kindle, Audible ва Google Books каби платформалар китобларни осон харид қилиш имконини беради.

Дунё бўйлаб китобхонлик маданияти ривожланган давлатлар турли кутубхона тизимлари, рақамли платформалар, таълим стратегиялари ва миллий аънавалар орқали ёшларнинг китобга қизиқишини оширишга катта эътибор қаратмоқда. Мазкур тажрибалардан келиб чиқиб, мамлакатимизда китобхонлик янада ривожлантириш учун, аввало, оммавий кутубхоналар тизимига ёшлар ва аҳоли осон кириши учун имконият яратиш зарур.

Мактаб ва олий ўқув юртида китобхонлик қаратилган махсус дастурлар ва лойиҳаларга доир ишларни жадаллаштириш, китобхонлик фестиваллари, китоб ярмаркалари ва адабий мусобақаларни кўпроқ ўтказиб, ёшларнинг мутулаага қизиқишини ошириш мақсадида мувофиқ, Шунингдек, ёшлар орасида электрон китоблар ёки аудиокитоблар оммалашувиغا шароит яратиш, ижодкорлар ва нашриётларга субсидия ҳамда грантлар ажратиб қўллаб-қувватлаш ва янги асарлар яратилишига кенг имкониятлар эшигини очиб шу жуда муҳим.

Одамлар билан китоб мутулааси ҳақида суҳбатлашсак, кўпчиликдан "Болам китоб ўқимади, китоб ўқишга мажбурласам ҳам натижа бўлмапти", деган сўзларни эшитамиз. Тўғри, болаларни мажбурлаб китоб ўқиш қийин масала. Халқимизда "Қуш уясида кўрганини қилади" деган нақл бор. Шунинг учун, аввало, ота-оналарнинг китоб мутулаасига муносабатини ўзгартириш керак. Улар шахсий намуна кўрсатиб, оила даврасида китоб ўқиса, фарзандлар ҳам оилاداги мутулаа маданиятига муваббатдан қўлай олади, албатта, китобхон бўлади.

Психологларнинг фикрича, ота-оналарнинг фарзанди билан бирга китоб ўқиши улар ўртасидаги муносабатларни мустахкамлайди, оила жинслигини таъминлайди. Шундай экан, аждодларимизнинг оилавий китоб ўқиш аънасанаси тиклаб, ривожлантиришимиз шарт.

Қашқадарё воҳасидаги энг сўлим, табиати ўзгача манзиллардан бири Шахрисабз туманидаги тоғ этагида жойлашган Мираки кишлоғи ҳисобланади. Ўтган йили бу ҳудудга бежиз туризм кишлоғи мақоми берилмади. Бойси, кишлоққа доимий равишда дам олиш учун келувчилар оқими тўхтамади. Айниқса, ёзнинг жўзграма кунларида соя-салқинга ошиққанлар сафи анча кўпаяди.

Ташриф буюрувчилар орасида нафақат маҳаллий, балки Бухоро, Хоразм, Навоий каби вилоятлардан келган меҳмонларни ҳам учратиш мумкин. Лекин муаммоли томони, шундай пайтларда олисдан йўл юриб келган кишилар бу жойларда етарли шарт-шароитлар бўлмагани, инфратузилма яратилмагани, керакли хизматлар йўлга қўйилмагани бос, гоҳида ортга қайтиб кетган. Қамида икки-уч кун дам олишни ниёт қилганлар ҳам қўлай бўлмагани учун нари бора бир кунда сафарини якунлашга мажбур бўлган.

Баланд тоғ тепалиқларидан бошланган ирмоқлар бир-бирига қўшилиб, каттагина дарё ҳосил қилганча пастликка, тўғридан тўғри Мираки сув омборига қуйилади. Каттагина сув омбори Мираки кишлоғининг тепа қисмида жойлашган. Сув омборидан чиққан ортиқча сув дарё орқали кишлоқнинг ўртасидан оқиб ўтади. Бу ўз-ўзидан дарёнинг икки қирғоғидаги салқин бог-роғларга ҳаёт бахш этади. Икки томони дарахтзордан иборат ҳудудда шу пайтга қадар маҳаллий аҳоли томонидан имкон даражасида дам олиш масалари ташкил қилинган. Лекин бугунги кун талабига жавоб бермасди. Ҳаттоки бирор замонавий меҳмонхона ҳам мавжуд эмасди.

— Кўҳна ва ҳамма навқирон Кеш азалдан ўзининг тарихий обидалари, гўзал табиати, пулвиркор тоғлари билан сайёҳларни мафтун этиб келган, — дейди Қарши шаҳрида истиқомат қилувчи Фарҳод Норқулов. — Биз ҳам доимо бирор меҳмон келадиган бўлса, албатта, Шахрисабз томоша қилдиришга, сўлим табиатидан баҳраманд қилишга олиб борамиз. Ўзимиз ҳам ёз фаслида кўпроқ соя-салқин

Қарор ва ижро Мираки — СЎЛИМ ВА МАФТУНКОР МАНЗИЛ

жойларга чиқишга ҳаракат қиламиз. Охири марта бундан икки йил олдин Миракига боргандик. Ростки, бир ҳафта дарё бўйида ҳордиқ чиқаришни режалаштиргандик. Яқин танишимнинг тавсияси билан ўша ердаги дам олиш масканидан жой олдик. Иккитагина оддий супа қилинган. Бошқа даярли шароит яратилмаган. Жой анча яхши, салқин. Келган кишининг кетгиси келмай қолди. Аммо хизматларга меҳмонларни қониқтирмайди. Эътироз билдирсангиз, хоҳласангиз, бошқа жойга тоғнинг қабилида иш тутишди. Қайфиятимиз тушиб, икки кунда ортага қайтишга мажбур бўлдик. Аслида, барча имкониятларни яратиб қўйишса, ўзларига жорий даромад-ку. Кунлик ҳисоблаб, пулини олишди. Шундан сўнг у тарафларга бормади кетдик. Эшитишимга қараганда, кейинги пайтда



Миракида бир қатор ишлар олиб борилаётган экан. Демак, шароитлари энди анча ўзгарса керак.

натижасида бугун воҳода ҳам қўллаб амалий ишлар кўзга ташланмоқда. Жумладан, давлатли раҳбарининг 2023 йил 28 ноябрдаги "Қашқадарё вилоятининг тоғли-рекреацион ҳудудларида замонавий хизмат кўрсатиш ва

туризм объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида белгиланган вазифалар босқичма-босқич бажарилмоқда. Шунингдек, мазкур ҳужжатда белгиланганидек, ушбу туман ҳудудида умумий майдони 240 гектар бўлган "Шахрисабз" туристик маркази ташкил этилмоқда. Яъни марказ манзили ҳисобланган Мираки, Полмон, Улоч, Амир Темур маҳаллалари ҳудудидаги умумий майдони 240 гектар бўлган ер участкасида қурилиш ва обodonлаштириш ишлари қизғин паллага кирган. Хусусан, замонавий хизмат кўрсатиш мажмуалари, туризм инфратузилмаси объектлари, бир қатор меҳмон уйлари, савдо-қўнғилочар ҳамда дам олиш мажмуалари барпо этилмоқда.

— Вилоятимизда туризм соҳасини янги босқичга олиб чиқиш учун муҳим ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Қашқадарё вилояти аҳолимлиги ҳузуридаги Туризм инфратузилмасияни

ривожлантириш ва бошқариш департаменти раҳбари Жавоҳир Тоқиев. — Биргина Мираки маҳалласининг ўзига қилинаётган ишларнинг саломати анча юқори. Президентимизнинг тегишли қарорига кўра, ўтган йили дастлабки ҳаракат бошланганди. Ҳозирда айрим объектларнинг қурилиш ишлари якунланиш арасида.

"Асакабанк" АЖ томонидан эса мазкур ҳудудда 2 та лот учун 4,6 гектар майдон аукцион орқали харид қилинган. Бунда пудратчи ташкилот томонидан 408 ўринли 4 муваффиқ меҳмонхона ҳамда савдо-қўнғилочар комплекси ва ресторани лойиҳасига кўра икки қаватли иншоот барпо этилмоқда. "Узмилийбанк" АЖ томонидан дор йўли, автотурароҳ, замонавий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш мажмуасини ташкил этиш учун 1,3 гектар ер сотиб олинган. Айни пайтда лойиҳа қурилиш ишлари олиб боришмоқда.

Шу билан бирга, ҳудудда "Ҳисор махсус қурилиш инвест" МЧЖ томонидан 10 километр масофага саломатлик, пиеда ва велосипед йўлаклари ҳамда осма кўприклар ўрнатилди. Бундан ташқари, Қамаш тумани ҳудудидаги умумий майдони 58,6 гектар бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасида "Майданак балиқ тоғ" туристик марказини ташкил этиш ҳам белгиланган. Айни пайтда ушбу марказ режиси тасдиқланиб, тез орада қурилиш ишлари учун ер майдонлари аукцион орқали савдога чиқарилиши кўзда тутилган. Яқин вақт оралиғида Қамаш туманида ҳам туризм объектларини барпо этиш ишлари бошлаб юборилади.

Соҳа масъулларининг таъкидлашича, юқоридеги қарорда белгиланганидек, мазкур манзил тижорат банклари ҳамда тадбиркорлик субъектлари лойиҳалари ҳам амалга оширилаётган. Шунингдек, хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш чоралари кўришмоқда. Мисол учун, "Узсанотқурилишбанк" АТБ томонидан Шахрисабз туристик маркази ҳудудида 2 та лот учун 5,05 гектар майдон аукцион орқали харид қилинган. Бунда биринчи лотда пудратчи ташкилот "Gold Step invest" МЧЖ

томонидан 408 ўринли меҳмонхона бунёд этилмоқда. Ҳозирда ушбу бинонинг қурилиш ишлари даярли олтимиш фоиз бажарилди. Иккинчи лотда эса 300 ўринли охастел ҳамда битта ресторан, спорт зали ва болалар майдончаси қурилиш ишлари якунланиш арасида.

Шу билан бирга, ҳудудда "Ҳисор махсус қурилиш инвест" МЧЖ томонидан 10 километр масофага саломатлик, пиеда ва велосипед йўлаклари ҳамда осма кўприклар ўрнатилди. Бундан ташқари, Қамаш тумани ҳудудидаги умумий майдони 58,6 гектар бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасида "Майданак балиқ тоғ" туристик марказини ташкил этиш ҳам белгиланган. Айни пайтда ушбу марказ режиси тасдиқланиб, тез орада қурилиш ишлари учун ер майдонлари аукцион орқали савдога чиқарилиши кўзда тутилган. Яқин вақт оралиғида Қамаш туманида ҳам туризм объектларини барпо этиш ишлари бошлаб юборилади.

Ақбар РАҲМОНОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

GAZETADAGI MATERIALLARNI LOTIN ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти ДМ Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида сақланадиган. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Колограк" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 108. 38993 нускада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда. "Колограк" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (77) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов Мусаҳҳис: Аслиддин Абдуразақов Дизайнер: Зафар Рўзиев Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 85-уй ЎЗА якуни — 00:55 Тошпириди — 01:05